

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 150 (10.203)

2004 ЙИЛ 5 АВГУСТ

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ЙИГИЛИШ

4 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳузурда йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда келгуси йилнинг иқтисодий стратегияси, солиқ ва давлат бюджет сибсати концепцияси ҳамда 2005 йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди.


ЎЗА



Бежизга «Йўлларингиз ойдин бўлсин» дейилмайди. Кишини манзилга элтадиган йўллар равон ва ойдин бўлса, унинг йироқлиги ҳам сезилмайди, оғирингиз бир зумда енгил бўлади. Бунга пойтахтимизда мустақиллик йилларида қад ростлаган текис, жаҳон андозаларига мос йўллару уларни бир-бирига туташтираётган мустаҳкам кўприклар ёрқин мисолдир. Нафақат уларнинг замонавий кўринишию мустаҳкамлигидан, балки хизматидан ҳам барча мамнун бўлмоқда.



## Мустақиллик иншоотлари



## КИЧИК ҲАЛҚА ЙЎЛИ:

## БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бундай йўл ва кўприкларнинг қад ростлаши аввало мустақиллигимиз шарофатидандир. Юртимизда Истиқлолнинг ўтган йилларида бунёдкорлик ишлари кўламнинг янада авж олганлиги эса курувчиларимиз маҳоратидан дарак беради.

Шаҳримиз кўчаларини кезиб, елдек учаётган транспорт воситаларини кузатар, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини тинглар эканмиз бунга яна бир қарра амин бўламиз. Бундан бир неча йил аввалги Тошкент кўчалари билан уларнинг бугунги қиёфасини солиштириб кўрсангиз, ҳақиқатан улкан ўзгариш-

ларни сезасиз. Кўчаларимизга файз ва улғурворлик бағишлаётган мустаҳкам кўприклар эса кўприксозларимиз изланишлари, ғайрат-шижоати намунасидир.

Мана тўртинчи йилдирки, Мустақиллик шодиёналари арафасида пойтахтимизда режа асосида қурилаётган кичик Ҳалқа йўлининг маълум қисмлари фойдаланишга топширилади. Йўл ва кўприк қурилишида алоҳида таърибга тўлган, унинг барча машаққатларини зиммаларига олган йўлсоз ва кўприксозларнинг бугун ҳам қўли-қўлига тегмапти.

Давоми 2-бетда.

## XXI саҳоси

Барча маълумлардан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Кеча Тошкентдаги «Гранд Орзу» меҳмонхонасида «Европа ҳамжамияти билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартномани амалга оширишга кўмаклашиш» дастури ташаббуси билан «Бизнес соҳасида адвокати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида кичик бизнес вакиллари томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар ва халқ истеъмоли молларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда кийим-кечаклар, атир-упалар, сопол идишлар, мебель, кафель, лок-бўёқ ва ноширлик махсулотлари намойиш этилди.

• Хушманзара Чимёнда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти минтақавий кўтқарув жамоаларининг ўқув-машқ йиғинлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни Европа комиссиясининг инсонпарварлик офиси ва Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро Федерацияси молиялаштирди.

• Қашқадарёда «Яккабоғ-текс» кўшма корхонаси иш бошлади. Бир йилда 3,5 миң тонна пахтага қайта ишлаш қувватига эга бўлган ушбу корхона германиялик ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилди.

• Урганча суд бошқарувчиларини ўқитиш курслари иш бошлади. Ўқув курсларида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё, Тошкент вилоятларида бўлгуси суд бошқарувчиларини ўқитиш режалаштирилган.

### Жаҳонда

• Буюк Британия полицияси Лондон шаҳри ва учта графликда оммавий аксилтеррор операциясини амалга ошириш чоғида 13 кишини қамоққа олди.

• НАСА ходимлари «Мессенжер» номли космик кема-ни коинотга муваффақиятли учирди. Ушбу фазо кемаси кўшга энг яқин сайёра — Меркурий томон йўл олди.

• Жаҳон бозорида нефтнинг нархи яна ошиб бормоқда. Жумладан, ўтган куни Нью-Йорк биржасида янги рекорд ўрнатилди — 1 баррель нефтнинг нархи 44,42 долларни ташкил этди.

• Парагвай пойтахти Асунсьон шаҳридаги супермаркетларнинг бирида катта ёнғин рўй берди. Натигада уч юздан ортиқ киши ҳалок бўлди, 100 дан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Ҳозирда фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

«Жаҳон» АА.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОИ 2004 йил 28-29 август шанба ва якшанба дам олиш кунларини 2004 йил 30-31 август душанба ва сешанбага кўчириш тўғрисида

Мустақиллик байрами муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилон фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

**ҚАРО ҚИЛАДИ:**  
2004 йил 28-29 август шанба ва якшанба дам олиш кунлари 2004 йил 30-31 август душанба ва сешанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси  
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 3 август

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА

• **КЕЧА** «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан «Бошқарилиш бўлиши» очик турдаги акциядорлик жамиятида «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида сиёсий партиялар, нодавлат, ношароит ташкилотлари вакиллари иштирокида «Сайлов жараёнида нодавлат, ношароит ташкилотларининг роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• **ЭРТАГА** «Бешёғоч пиво» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтадиган тадбир «Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва бурчлари», «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусига бағишланади.

• **РЕСПУБЛИКА** Халқ таълими вазирлигида мактаб ўқитувчилари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси масаласига бағишлаб ўтказилган йиғилишда таълим соҳаси мутасаддилари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## ДУНЁ ТЕРРОРИЗМНИ ҚОРАЛАМОҚДА

Жорий йилнинг 30 июль кунини мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳорижда ҳамдардлик ҳисларини уйғотмоқда. Кўплаб давлатлардан келаётган мактубларда тинчлик ва барқарорликка қарши қаратилган жиний ҳаракатлар кескин қораланган.

Туркия Республикаси Президенти Аҳмед Сезер Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига йўллаган мактубида терроризмга қарши курашда катта талафотларга учраган турк халқи Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларини қоралаётганини қайд этган.

Туркия бош вазири Режеб Эрдоган жиний ҳаракатларни қоралаб, шу кунларда турк халқи ўзбек халқи билан бирга эканини билдирган.

— Тошкентдаги террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабар мени чуқур ларзага солди, — деб ёзади Киригизистон Республикаси Президенти Аскар Аев

давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубида. — Шу кунларда киргизистонликлар қардош Ўзбекистон халқи билан бирга самийий қайғурмоқдалар ва шайқатсиз зўравонлик ҳаракатларини қораламоқдалар.

Киригизистон халқаро ҳамжамиятининг халқаро терроризм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши курашдаги муштарак саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдаги қатъиятини тасдиқлайди.

АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси Элизабет Жонс ўз мактубида қуйидагиларни таъкидлаган: «Биз террорчилик ҳаракатларини кескин қоралаймиз. Терроризмга қарши турган барча давлат-

ларга қаратилган ушбу зарба зўравонлик воситасидаги бузғунчи мақсадларни ўзидан жам этган.

Бутун дунё Ўзбекистон терроризмга қай даражада қарши тураётганини диққат билан кузатмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу ёвуалликка ҳам жавоби қатъий бўлишига ишонаман».

Япония ҳукумати номидан ташқи ишлар вазири Ёрико Кавагучи Тошкентдаги зўравонлик ҳаракатларини қоралади ва фожиа қурбонлари яқинларига ҳамдардлик билдирди.

«Бундай террорчилик ҳаракатларига йўл қўйиб бўлмайди ва уларни оқлаш учун ҳеч қандай сабаб йўқ», деди вазир.

**Иқтисодиёт**

**ИСТЕЪМОЛЧИ КРЕДИТИ**

Банк ва мижоз муносабатларини шакллантиришда янги ва самарали усуллардан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради.

Шу боисдан ҳам, «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банкида очилган янги йўналиш — истеъмолчи кредити мижозлар сафининг ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу янги йўналиш республикамизда биринчилардан бўлиб, мана шу банкда йўлга қўйилди. Бу нафақат истеъмолчи харидор, балки тадбиркор — савдо шохобчаси учун ҳам қулай ва фойдалидир.

Хозирда банк пойтахтимиздаги 2 та савдо шохобчаси билан бош келишув имзолаган бўлиб, улар компьютер ҳамда маиший техникалар билан савдо қилувчи дўконлардир. «Кредит Осий» ҳамда «Нурон савдо» фирма дўконларида иш олиб борувчи банк ходимлари, яъни мутахассис мижозлар учун керакли хужжатларни зудлик билан тўлдиради. Молия бозорида янгилик саналган истеъмолчи кредитида харидор-мижоз паспортининг нусхаси ва турар жойидан маълумотнома олиб келади. Хужжатлар расмийлаштирилгач, харид қилинган товарни олиб кетишлари мумкин.

Харид қилинаётган товар автоматик равишда гаров бўлиши билан бирга, банк билан бош келишув асосида ҳамкорлик қилаётган фирма дўконлари ажратилган кредитнинг қайтарилиши учун кафиликни ўз зиммаларига олади.

**ГЎЗАЛЛИК БАЙШАЙДИ**

Ёз — тўй ва тантаналар мавсуми. Уларни кўнглидагидек ўтказиш эса хизмат кўрсатувчиларга ҳам боғлиқ, албатта.

Шу боисдан ҳам кейинги пайтда анъанага айланган, яъни тантана ва маросим залларини турфа шар ҳамда гуллар билан безатишда яқиндан ёрдам бераётган, шодиёналарга гўзаллик, иштирокчиларга яхши кайфият улашаётган «Осий» шарлари ва гуллари» фирмаси тадбиркорларнинг ишлари ҳам кизгин паллага кирган. Улар ўзларининг изланишлари асосида тузган каталогларидан унумли фойдаланиб, ҳар қандай буюртмаларни тез ва саз бажаришмоқда.

— Ишларимизни муваффақиятли адо этиб, буюртмаларни мамнун этишда, шар ва гулларни ўрнатишда замонавий ускуналардан унумли фойдаланамиз, — дейди фирма ходими Тоҳиржон Мусаев. — Халқимизнинг яхши кунларида хизмат қилишни зиммамизга олган эканмиз, бунинг учун миллий кадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизнинг безакларимизда ҳам акс этишига эътибор қаратамиз. Бу борада дизайнерларимизнинг изланишлари самарасини бериб, буюртмачиларимиз сафи ортиб бормоқда. Шу кунлардаги мақсадимиз эса тўй ва маросимлар баробарида кутлуг шодиёна — Мустақиллик байрами тантаналари бўлиб ўтадиган майдону хибобларни безатишга муносиб ҳисса қўшишдир.


Шарофат БАХРОМОВА

**Мустақиллик ишюбитлари**



Давоми. Боши 1-бетда.

Шаҳримиздаги 9 та тумани қамраб оладиган кичик Ҳалқа йўли 32 километрдан зиёдни ташкил этиши кўзда тутилган бўлиб, утган йилларда унинг Амир Темур шоҳқўчасидан Фарғона йўли кўчасигача бўлган 8 километрдан зиёд йўл ҳамда 4 та кўприк, Авлиё ота кўчасидан Бобур кўчасигача ва Ҳамза Умаров кўчасидан Усмон Носир кўчасигача бўлган 6,5 километрга яқин иккинчи қисми ва Усмон Носир —



Фарҳод кўчаси чорраҳасидаги узунлиги 400 метрга яқин бўлган катта кўприк, Жанубий вокзалдан Уйғур кўчасигача бўлган 7,5 километрлик йўл ҳамда Улуғбек-Уйғур кўчасидаги кўприк тикланганлигини, буларнинг барчаси транспорт воситалари ҳаракати учун катта қулайлик бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада, албатта «Тошшаҳарйўловчикурилиштаъмир», «Кўприккурилиш» трести, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни, «Тошметроқурилиш» трести йўл ва кўприк қурувчиларининг меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Уларга ёрдамчи бўлган пудрат ташкилотлари ҳам бир мақсад йўлида — кичик Ҳалқа йўли-

нинг ҳар бир навбатини лойиҳада кўзда тутилганидек муштаҳкам, кенг ва раво қуришга, муддатида фойдаланишга топширишга муносиб ҳисса қўшишди.

Айни кунларда эса пойтахтимизда 2005 йилда фойдаланиши кўзда тутилган ана шу кичик Ҳалқа йўлининг навбатдаги қисми қурилиши авжида. Йўлнинг Асомов ҳамда Эргашев кўчаларини туташтирувчи 270 метр узунликдаги кўприги қуриб битказилмоқда. Бу борада «Кўприккурилиш» трести-

га қарашли, маҳоратли кўприксозлари билан улкан бунёдкорлик ишларида тажриба тўплаган 13-кўприк қурилиш отряди, уларга камарбасталик қилган 14-, 67-кўприкқурилиш отрядлари ишчи-хизматчиларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. «Боштранслойиҳа» акционерлик жамияти мутахассислари лойиҳани шунинг билан қурилаётган ушбу кўприк ҳар томонлама қулайлиги билан ажралиб туради. Хозирда асфальт ишлари, ёритиш ускуналари ўрнатиш юмушлари ҳам бажаришмоқда.

— Айни пайтда Амир Темур шоҳқўчасида кўприк остидан бемалол транспорт қатнови давом этмоқда, — дейди 13-кўприкқурилиш отряди бош ишбошиси Александр Пенёков. — Бунинг учун ушбу объектда кўприксозларимиз 3 сменада сидқи-

**КИЧИК ҲАЛҚА ЙЎЛИ:**

**БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА**



дилдан меҳнат қилишди. Февраль ойидан бошлаб 300 дан зиёд турли касб эгалари кўприк ва йўл қурилиши учун ниҳоятда зарур бўлган техника воситалари кўмагидан унумли фойдаланишди. Ишимизнинг сифат ва самарадорлиги ҳаминша назоратда бўлди. Кўприк қурилишидаги тажрибаларимиз эса қўл келмоқда.

Кичик Ҳалқа йўлининг навбатдаги қисмида йўл ишларини «Тошшаҳарйўлқурилиштаъмир» трестининг 3-йўлқурилиштаъмир бошқармаси йўлсозлари бажаришмоқда. Бир километрдан зиёд йўл ҳамда қад ростлаган кўприкни асфальтлаш, ёритиш ускуналари, бетон тўсиқлар ўрнатиш, сув шохчаларини бунёд этиш уларнинг зиммасида. Бу борада 100 дан зиёд қурувчи вақтдан, имкониятдан оқилона фойдаланмоқда.

— Ёзнинг саратонини ҳам писанд қилмай тер тўкаётган йўлсоз ишчиларимиз ўз меҳнатлари билан Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига муносиб совға ҳозирлашмоқда, — дейди бошқарма бош муҳандиси Рустам Ботиров. — Улуғ ва кутлуг шодиёнага саноқли

кунлар қолганлигини ҳис этган ҳолда ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланиш ҳаракатидамиз. Меҳнатимиз самараси шаҳримизга чирой бағишлаши баробарида, транспорт воситалари қатнови учун алоҳида қулайлик бўлмоқда. Шу боисдан ҳам эзгу ишга ҳисса қўшиш билан фахрланамиз.

Чиндан ҳам Истиқлол тантаналарига ўзига хос совға билан бораётган йўлсоз ва кўприксозларнинг бугунги меҳнатини кузатиб, маҳоратларига, ҳамжихатликдаги сазй-ҳаракатларига тан бермай иложингиз йўқ. Улар меҳнат жараёнида мустақиллик буюк неъмат эканлигини, йилдан йилга унинг меваларини ҳамоўрларимизни баҳраманд этаётганини, бу борада ўзларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигини билдан ҳис этиб меҳнат қилишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: йўл қурувчилар 3-йўлқурилиштаъмир бошқармаси бош муҳандиси Рустам Ботиров ва иш юритувчи Шавкат Мўминов қилинаж ишларни белгилашмоқда; қурилиш майдонида.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

**Туманларда**

**«АСТРОБОД» ГУЗАРИНИНГ БИР КУНИ**

«Маҳалла — Ватан ичидаги Ватан. Отанг маҳалла, онанг маҳалла». Ушбу пурмаъно жумлалар бежиз айтилмаган, чунки жамиятнинг айнан шу кичик бўғини ижтимоий аҳамият касб этадиган масалаларини ҳал эта олиш имкониятига эга бўлиб бормоқда.

Ҳиссаси, туманда жамоат тартиби жиҳатини ибрат бўла оладиган маҳаллалар мавжуд эканлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишларнинг самараси, аёллар жамиятда тобора фаоллашиб, ўз ўринларини жадал эгаллаб бораётганликлари, ташкил этилганга бир йил вақт тўлмаганлигига қарамай, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан сайловлар олдида аҳолининг сиёсий онгини ошириш борасида амалга ошираётган ишлар ҳақида гапириб, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ишлашда мутасадди ташкилотлар фаолиятига ижобий баҳо берди.

Туман маҳаллалари ўртасида ташкил этилган кўрик-танловда «Обод» маҳалласи «Энг обод маҳалла» деб топилди. Шу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қулбой Ҳамраев «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» бўлди. Айнан шу маҳалла вакиллари — Қозим Қўзиев ва Холида Абдукаримовалар «Энг филоий маҳалла посбони» ва «Энг яхши хотин-қизлар комиссияси раисаси» эканликлари маълум қилинди. Мазкур номинациялар бўйича кўрик-танловлар голиблари тадбир довомида қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. «Астроход» гузари тадбиркори Светлана Ли эса туманининг «Энг намунали тадбиркор»и унвонига сазовор бўлди.

Баҳодир АЗИЗОВ

*Тиббиёт*

**ҲАМШИРАЛИК ИШИДАН ДАРСЛИК**

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли ўқув-даволаш мажмуасининг тиббиёт коллежи намунали таълим даргоҳларидан саналади. Бу ерда ортирилайтган бой тажрибалар асосида қатор тўпламлар ҳам босмага тайёрланди.

«Ҳамширалик ишининг назорат асослари» деб номланган дарслик эса яқинда кўп нусхада чоп этилди. Коллеж ўқитувчиларидан иборат муаллифлар томонидан яратилган бу қўлланма тиббиёт ўқув юртига яхши совға бўлди.

Янги нашрни босмага тайёрлашда халқаро доирада ҳамширалик иши бўйича ўтказилган нуфузли анжуманлар тавсияларига таяниб иш юритилди.

**ЖАМФАРМА АНЖУМАНИ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик билан шугулланиб келаётган халқаро жамғармаси кўмагидан республикамиз жамоатчилиги ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисига техник ва молиявий ёрдам бериш билан бирга уларнинг репродуктив саломатлигини тиклашда ҳам жамғарманинг сайё-ҳаракати катта бўлмоқда.

Яқинда Тошкентда ўтказилган аҳолишунослик ва ривожланиш халқаро анжуманида оила ва аёллар репродуктив саломатлиги масаласи кўриб чиқилди. Унда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, унинг тиббий савабдорлигини ошириш каби масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

**ФАХРЛИ НОМ ЭГАСИ**

Республика пульмонология ва фтизиатрия илмий-текшириш институтининг фаолияти кенгайтириб, амалга оширилаётган изланишлар янада самарали бўлмоқда.

Тиббий муолажанинг ушбу йўналишида юзага келган илғор тажрибалар ҳам амалиётга татбиқ этилиб, қатор муаммоларни ижобий ҳал қилишда қўл келмоқда. Бу ва шунга ўхшаш бошқа ютуқларни қўлга киритишда илмий муассаса директори Абдулла Убайдуллаевнинг ҳам ҳиссаси катта. Бу изланувчан ва тиниб-тинчимас олим раҳбарлигида яна қатор янгиликларга қўл урилди. Шунинг учун ҳам атоқли олим яқинда йилнинг энг яхши шифокори деган фахрли ном эгаси бўлди.

Акбар АЛИЕВ

*Меҳр ва мурувват йили*

**БОЛАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА**

Соғлом, жисмонан ва ақлан баркамол ёш авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сийёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Уни амалга оширишда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси фаолияти ҳам кучайтирилди. Бундай фаолият ҳам давлат дастурлари, ҳам жамғарманинг ўз дастурлари ижроси доирасида амалга оширилмоқда. Бу дастурлар мамлакатимиз болалари бақувват, ҳар томонлама ривожланган бўлишига қаратилган.

Муҳим йўналишлардан бири - аҳоли, биринчи навбатда узоқ ҳудудларда яшовчи аёллар ва болаларнинг доимий тиббий-ижтимоий патронажи. Йил бошидан буён жамғарманинг тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳлари 912 та узоқ қишлоқда ва 958 та маҳаллада қарийб 15,5 минг оилани кўриклан ўтказди. Уларга мурувват ёрдами: дори-дармонлар, санитария ва гигиена воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар берилди.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими вазирликлари ва «Проктер энд Гэмбл» компанияси билан биргаликда «Ўсмирлик ёши» ва «Жозибдор табассум» таълим дастурлари давом эттирилмоқда. Яна деярли 20 минг ўқувчига гигиена қоидалари ўргатилди. Мунтазам равишда юқори синф ўқувчилари билан репродуктив саломатлик тўғрисида суҳбатлар уюштирилмоқда. Ёшлар ўртасида гигиеналик ва ОИТСнинг олдини олиш учун жамғарма ўз маърифий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Олий ўқув юртилари, коллежлар ва лицейларда бу мавзуларда семинарлар ўтказилмоқда.

Жамғарма жарроҳлик йўли билан даволашига муҳтож болаларга ҳам ёрдам бермоқда. «Фриденсдорф Интернешнл» (Германия) ва «Смайл Трейн» (АҚШ) халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда улар томонидан ажратилган грант маблағларига йил бошидан бери 130 бола операция қилинди, беш бола эса Германиянинг энг яхши шифохоналарига даволаниш учун жўнатилди.

Жамғарманинг хорижий ҳамкорлари бошқа инсонпарварлик дастурларини амалга оширишда ҳам кўмаклашмоқда. Сўнгги вақтда «AmeriCares» (АҚШ), «Hogman Audiofon» (Германия) каби ташкилотлар билан муносабатлар ўрнатилгани туфайли Ўзбекистонга умумий қиймати 7 миллион АҚШ долларидан ортиқ мурувват ёрдами келтирилди. Бу дори-дармонлар, санитария ва гигиена во-

ситалари, тиббий анжомлардир. Улар жамғарманинг бўлимлари орқали ихтисослашган болалар ва тиббий муассасаларга ҳамда кўп болали, кам таъминланган оилаларга топширилди.

Иқтидорли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар ҳам кенгайтирилмоқда. Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган «Камалак жилolari», «Ер сайёрасига тинчлик» республика болалар бадиий танловлари ҳам шунга қаратилган. Истеъодли болалар ва қизлар хорижда турли халқаро танловларда қатнашиш имкониятига эга. Ўзбекистон вакилларининг кўпчилиги уларда совринли ўринларни эгалламоқда.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари - жамғарманинг алоҳида эътиборида. Улар учун концертлар, сафарлар, бошқа кўнгилочар ва маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ёзги таътил кунлари уларнинг кўпчилиги соғломлаштириш лагерларида дам олмақда. Жамғарма томонидан болаларнинг ёнига ҳаваскор артистлар, шифокорлар гуруҳлари мунтазам бориб турибди.

Болаларни фаол турмуш тарзига жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Масалан, февраль ойида Чимёнда факулдада спорт турлари бўйича биринчи қишки фестивал бўлиб ўтди. Ёз бошида анъанага айланган «Чимён-Эко» фестивали ўтказилди. Унинг мақсоди экологик туризмни тарғиб қилиш, ёшларда она табиятга муҳаббатни тарбиялашдир.

А.ИВАНОВА,  
УЗА МУХБИРИ

*Бозор ва харидор*

**БУЮРТМАЛАР МУДДАТИДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА**

Ҳозирда харидорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, кўркамлиги, чидамлилиги ҳамда нархларидан мамнун бўлаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бу ишлар эса тадбиркорларимизнинг изланишлари, янгилликка интилишлари, ташаббуслари, заҳматли меҳнатлари туфайли амалга оширилмоқда. Чилонзор туманидаги «OL-SI» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам маҳсулотлари ички бозоримизда ўз ўрнини топган корхоналар қаторида самарали фаолият юритмоқда.

Мазкур корхона ахли 1996 йилдан буён аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ички бозорни чуқур ўрганиш асосида харидорлар диди ва эҳтиёжини эътиборга олиб ишлаб чиқараётган металл маҳсулотлари буюртмачиларни мамнун этмоқда.

— Бозор иқтисодиёти шароитида асосий эътиборни сифатга қаратган ҳолда, — дейди жамият бошқаруви раиси Александр Бунеев, — омибор эмас, харидор учун ишлашни эзгу мақсад қилиб кўйганмиз. — Ишлаб чиқаришни 2 йўналишда олиб бормоқдамиз.

Ўтган йиллар мобайнида малакали, ўз ишининг ҳақиқий усталари бўлган ишчилар сифатли металлдан корхоналар учун шкаф, касса, тўсин, банклар учун маҳсулоти жижозлар, панжара, дарвоза каби 20 га яқин буюртмаларни ўз муддатларида тайёрлашга эътибор қаратдилар.

Ўтган ойда умумий ҳажми 40 квадрат метрни ташкил этган улкан дарвоза буюртмачига тайёрлаб берилди. Маҳсулот 10 йиллик кафолат билан топширилди ва уни саноқли сонияларда ҳаракатга келтириш мумкин. Айни шу афзалликлари билан ушбу маҳсулот харидорлар эътиборини қозонмоқда. Шу боисдан ҳам корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг юқорилаб, маҳсулотлар рақобатбардошлиги ошишига ҳамда харидорлар сафининг орттишига эришилмоқда. Ишлаб чиқаришдан олинган фойда корхонани ривожлантиришга

йўналтирилмоқда. — Хар бир ишда ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, — дейди корхона раҳбари Вячеслав Забалув, — яхши натижалар бериши сир эмас. Муддофаага кўмаклашувчи «Ватанпар-



вар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгагининг раҳбари Назриддин Ризаметов ташкилот худудидан корхона учун бўш жой ажратиб бериб, ишлаб чиқариш иминини ривожлантиришга кўмаклашди. Биз ҳам ўз навбатида ташкилот ёшларини кўриктанлов, мусобақаларига тайёрлаш, маҳсулоти спорт кийимлари



билан таъминлаш, овқатларишлари учун маблағ ажратамиз, хомийлик қиламиз. Имкониятдан фойдаланиб, шу ўринда ўзимнинг бир фикримни айтиб ўтмоқчиман. Биз каби ишлаб чиқарувчиларга корхона цехларини кенгайтириш, шунинг баробарида, янги иш жойлари яратиш учун ҳокимлик тасарруфидига бўш ётган, лекин фойдаланишга яроқсиз бинолар узоқ муддатли шаритномалар асосида берилганда эди, юртимизда ишлаб чиқариш корхоналари сезиларли ортарди, шу билан бирга иш билан банд бўлмаган анчагина фуқароларимизнинг ишга жойлашиш имкониятлари ҳам кўпаярди...

Корхона цехларида ўзимизда тайёрланган дастгоҳ ва ускуналардан фойдаланилади, шунингдек, керак бўлганда уларга эҳтиёт қисмлар шунинг ўзида тайёрланиб, таъмирланади. Айни кунларда «QURILISHGELEOSERVIS LTD» фирмаси илмий ишланмаси — кўёшли ўлкаимизда жуда самарали бўлган гелиоқурилманинг тажрибавий нусخасига таркибий қисмлар тайёрлаб берилди, шунингдек, республикамизда илк бор жамоанинг изланишлари меваси бўлган пультли кўтарма дарвоза биринчи буюртмачиларини хурсанд қилди. Масалан, бу дарвозалар шахримиздаги «2519—автобус саройи» акционерлик жамиятига ўрнатилди. Уларнинг афзаллиги шундаки, электр манбаидан қувват олган пульт орқали 15 сонияда маз-

кур дарвозани кўтариш мумкин. Эътиборли томони, уларни 7 кун мобайнида электр қувватисиз ҳам ишлатиш мумкин.

Корхонанинг доимий буюртмачилари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, юртимиздаги кўплаб банклар, корхона, ташкилотлар ҳамда фуқаролардир. Музокара, компанияда яратилган ишланмалар шартнома тузилгунга қадар кечадагина қонуний жараёнлар ҳисобланади. Хар бир янги маҳсулот ишчи-хизматчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида яратилади. Айниқса, тажрибали пайвандчилар бригадир Сергей Цукан, олий тоифали токар Валерий Окуневлар жамоада барчага ўрнак. Умуман олганда корхонадаги бирор буюртма тушса, уни адо этмагунча бирон одам тинчиб ўтирмайди.

Корхона доимо ривожланиш йўлидан бориб, маҳсулот турларини кўпайтириб бормоқда. Бу ерда юртимизда мўл-қўл етиштирилаётган қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган бир нечта мина дастгоҳлар ҳам тайёрланди, лекин оммавий ишлаб чиқаришга ҳозирча қўйилмаган. Корхона етарли маблағга эга бўлган эса бу ишланмалар ишлаб чиқаришга татбиқ этилади, албатта.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТЛАРДА: «OL-SI» масъулияти чекланган жамияти цехларида меҳнат жараёни доимо қизгин.  
Ҳакимжон Солиқов олган суратлар.

Маънавий уш қадар кенг соҳаки, у шахсий, оилавий масалалардан тортиб дунё воқеаларигача ўз ичига олади. Маънавийли келтириб чиқарадиган бош даргоҳлар қаторига оила билан мактабларни қўйсак тўғри бўлар. Дарҳақиқат, оила бир кўрғонки, унинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, шунча соз. Барча яхшиликлар, меҳр-муруват, саво-ват, оқибат, аҳилликлар шунда макон топади. Эп-юрт уйдан баҳра олади. Яхши оқиллар шарофати ила жамият раванк топади, гулғулди, яшнади. Шундай оилалардан чиққан инсоф-адолатли, ғайрат-шиҳоватли, одоби етук

асл инсонлар юртимизнинг ишончли устуналари бўлиб хизмат этаётгани туғайли ҳам Ватанимиз тобора тараққий топади.

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тўрт девор ичидан чиқиб туриб боради оиланда, ибратли оилаларнинг қадр-қиммати нақдлар юксак эканлигига таянганда. Эр-хотин аҳил-иптиқок бўлиб, фарзандлар тарбиясини дуруст йўлга қўйиб, қобил, ибодил, меҳнатсевар, ҳушмуомалали фарзандларни ўстираётган тоғу хонадонларга ҳамма ҳавас билан боқадил, улардан намуна олади. Бундай хонадонлардан чиққанлар мактабдаям, кўни-қўшиллар ўртасидаям ардоқли номга эга бўлиши, бошқаларга кўз-кўз қилиниши турган гап. Силанинг обрўси билан бир қаторда таълим-тарбия ўққуларининг эътибор қозониши ҳам шунданлиқ.

### Муносабат

## ТАРБИЯ МАКОНЛАРИ

«Тошкент оқишони» газетасини доимий ўқиб боришим натижасида, газетанинг маънавий масалаларига эътиборини оширганга амин бўлдим. Маданият, мактаб-маориф, одоб-ахлоқ, болалар муассасаларининг ранго-ранг фаолиятларига оид мақолалар, суҳбатлар кетма-кет босилапти, жонли баҳс-мунозаралар ёриляпти.

асл инсонлар юртимизнинг ишончли устуналари бўлиб хизмат этаётгани туғайли ҳам Ватанимиз тобора тараққий топади.

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тўрт девор ичидан чиқиб туриб боради оиланда, ибратли оилаларнинг қадр-қиммати нақдлар юксак эканлигига таянганда. Эр-хотин аҳил-иптиқок бўлиб, фарзандлар тарбиясини дуруст йўлга қўйиб, қобил, ибодил, меҳнатсевар, ҳушмуомалали фарзандларни ўстираётган тоғу хонадонларга ҳамма ҳавас билан боқадил, улардан намуна олади. Бундай хонадонлардан чиққанлар мактабдаям, кўни-қўшиллар ўртасидаям ардоқли номга эга бўлиши, бошқаларга кўз-кўз қилиниши турган гап. Силанинг обрўси билан бир қаторда таълим-тарбия ўққуларининг эътибор қозониши ҳам шунданлиқ.

Чинданам бизда болалар парвариси намунали йўлга қўйилган оилалар ҳам, мактаблар ҳам етарли. Буларда гоёт зийрак, ишчан, билимга интилуван, ота-онаси ва устозларидан ҳар нарсани сураб-билиб олишдан ҳеч тор-

асл инсонлар юртимизнинг ишончли устуналари бўлиб хизмат этаётгани туғайли ҳам Ватанимиз тобора тараққий топади.

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тўрт девор ичидан чиқиб туриб боради оиланда, ибратли оилаларнинг қадр-қиммати нақдлар юксак эканлигига таянганда. Эр-хотин аҳил-иптиқок бўлиб, фарзандлар тарбиясини дуруст йўлга қўйиб, қобил, ибодил, меҳнатсевар, ҳушмуомалали фарзандларни ўстираётган тоғу хонадонларга ҳамма ҳавас билан боқадил, улардан намуна олади. Бундай хонадонлардан чиққанлар мактабдаям, кўни-қўшиллар ўртасидаям ардоқли номга эга бўлиши, бошқаларга кўз-кўз қилиниши турган гап. Силанинг обрўси билан бир қаторда таълим-тарбия ўққуларининг эътибор қозониши ҳам шунданлиқ.

Чинданам бизда болалар парвариси намунали йўлга қўйилган оилалар ҳам, мактаблар ҳам етарли. Буларда гоёт зийрак, ишчан, билимга интилуван, ота-онаси ва устозларидан ҳар нарсани сураб-билиб олишдан ҳеч тор-

стайлик бўлганда мен нима учун мустақил бўлолмас эканман» деди-да, ой-си йўнда газ ўчоғи эди. Бичига чой, бичига қозон қўйиб, қўйилгани дэмоллашга киришди. Шу пайт телевизорда «Сенни, шохшай тур!» мультфильми бошланиб қолди, бирдан хаёли ўшанга оғди. Бир пайт бурнига латта хидди кирди. Айвонга қараса, дазмол тағига қўйган қўйлагилар куйяпти. Уни ола солиб турса, ошхонадан вишвиш овоз келди, қартошқа жижғинак бўлиб, қозон тағига ёпишиб кетганди... Шу пайт насаи кўриб келиб, неқ ўтқаси ёрилди...

Шунда она ўз қизининг қўлидан ҳеч қандай иш келмайдиган бўлиб қолгани учун бутун айбонини ўз бўйига олди...

Демакки, бола тарбиясига кўр-кўрона, гдек шу кўнларда маданият ва санъат институтларида ёшларга таълим-тарбия бераётган йирик мутахассислар Раҳматилла Носиров, Стоволди Усмонов, Тоҳир Исоқов, Акбар Назоров сингари қўлаб маданият ходимлари дастлабки санъат сирларини айнан шу студияда олганлар. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат қўрган артистлар, хормейстер Абдулқоҳор Султонов, балетмейстер Укун Ганиев, профессор Мирҳод Умаров, рақос-хонанда Анвар Ортиқовлар ҳам Азим Азизов билан биргаликда хизмат қилишган. Хуллас «Баёт»чилар Ўзбекистон бадий ҳаваскорлик ижодиетини ўша йиллардан 12 мартга қадар чет давлатларда кенг намойиш этиб, олтин, қумуш медаллар ва

Шайхонтоҳур туманидаги 3-маданият уйи қойида 1970 йили А. Азизов саяё-ҳаракатлари билан ташкил топган «Баёт» халқ студияси 20 йил давомида ижодий фаолият кўрсатгани ва Республиканинг маданий ва бадий ҳаваскорлик соҳасида кенг қўламли ишларини олиб борагани санъат шнавандаларига яхши маълум. Студиянинг ўша йиллардаги юксак ижодчилик савияси, ранг-баранг концерт дастури ва 90-100 нафардан иборат рақос қиз-йигитларнинг маҳоратларидан кўнчилик томошабинлар баҳрамонд бўлишган. Ўз навбатида ушбу халқ студиясида тўпланган бой таъриба республикамиздаги деярли барча маданият уйлари ва халқ ансамбллари учун чинакамга ўрнак бўлиб хизмат қилган. Ўзбекистонда хизмат қўрган артистлар Маҳбуба Ҳасанова, Элмурод Исмолов, раҳматли Муҳриддин Холиқов, театршунос Нурхон Зулинова, Хотамхофиз Қосимов, Жалолиддин Холиқов, Бахтиёр Тўлғанов, шунинг



### Маданият насақларида

## ҚАЙТА ТИКЛАНГАН «БАЁТ»

1970-1990 йиллар орасида самарали ижодий фаолият кўрсатиш билан бирга Тошкент шаҳрида биринчи бўлиб «Халқ ҳаваскорлик ансамбли» номи олан машҳур бадий ҳаваскорлик жамоасини таърибали санъаткор, Ўзбекистонда хизмат қўрган маданият ходими, Республика халқ таълими аълочиси Азим Азизов томонидан қайта тикланганлигини кўпчилик билмас керак.

«Баёт» номи маданият марказини ташкил этади ва унга раҳбар этиб тайинланди. У элдик билан хароба жойни таъмирлаб, қўламазорлаштириш ишларини олиб бориб, чинакам маданият максагини айлантирди. Бу даргоҳда дастлаб «Умид» фольклор-рақс дастаси, «Абдулла» қўшиқ-чолғу дастаси, «Доирачилар» болалар рақс дастаси, сўнгра «Мукаррам» фольклор гуруҳи, ҳажвий ёшлар театр студияси, қарнай-сурнайчилар каби турли тўғараклар ташкил этилди. Бугунги кунда «Ибн Сино» маданият маркази ходимлари атоқли санъаткорлар, фан, тиббиёт, миллия ходимлари билан тез-тез учрашув чалғари ва машҳур санъат арбобларининг хотира кечаларини мунтазам равишда ўтказиб келишмоқда. Шунингдек, «Умид» дастаси Республикамиздан ташқари Англия, Франция, Италия, Хитой, Хиндистон, Германия давлатларида бўлиб, она юртимиз бадий ҳаваскорлик санъатини кўз-кўз қилиб келалётганлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Аммо ушбу санъат-

кор «Баёт»ни қайта тиклаш мақсадида доимо ўйлаб, ишланиб юрар эди. Шу ниятда 2003 йили қўлаб бадиий ҳаваскорлик иштирокчиларини маданият марказига йиғиб «Ўзбекистон — гуллар ўлкаси» мавзусида янги концерт дастурини тайёрлади.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Туркиянинг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари томонидан маъқулланди ва қайта тикланган «Баёт» ансамбли Туркиянинг Анталия шаҳрига йўл олди.

— Шунинг билан айтиш керак, жорий йилнинг июнь ойи бошида ансамблимиз иштирокчилари Анталия шаҳрида Ўрта ер денгизи соҳилида ўтказилган IV Халқаро ёшлар фольклор-рақс фестивалида иштирок этиб йилгирмадан ортик турли чет давлатлардан келган санъаткорлар ўртасида ўз санъатларини намойиш этиб катта оқланишга сазовор бўлди, — дейди «Баёт» ансамбли раҳбари Азим Азизов. — Ташкилий қўмита-

29 июнь-10 июль кўнлари Исроил давлатининг Тел-Авив шаҳрида ўтказилган «19 Халқаро МАТАФ рақс фестивали»да ҳам муваффақиятли иштирок этдилар.

Санъат гунаҳларини ўз бағрига олиб, санъат сирларини ўргатиб, халқимиз қалбига эзулик, меҳр-муҳаббат шўхласини сонаётган ушбу ансамблининг ижодкор, шўхли овоз соҳибларига ижодий парвозлар тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: «Баёт» дастаси сафар олдидан. Иккинчи суратда Германиянинг Бремен шаҳрида яқунлоғи концерт дастурини намойиш этишмоқда.

Узоқ тарихимизда шундай шахслар ўтганки, улар ўзларининг сермазун ҳаёти, ибратли фаолияти, маънавий-маърифий ўғитлари билан эл-юрт манфаатлари йўлида куч-ғайратини, керак бўлса, ҳатто, мол-мулкни ҳам аямаган. Ана шундай зоти шарифлардан бири Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) ҳазратлари ҳисобланади.

Эл-юртнинг пири қомили бўлган бу улуг сиймо тўғрисида Юртбошимиз шундай таъкидлаганлар: «Хожа Аҳрор Валий ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сийсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. «Шайхлар шайхи» деб ном олган улуг зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрдир.

Хожа Аҳрор ҳижрий 806 йил рамозин ойида (1404 милодий йил, март) Шош-Тошкент вилояти музофотларидан бири Боғистонда дунёга келган. Унинг отаси Хожа Маҳмуд ва боболари маърифатли кишилар бўлиб, деҳқончилик ва тижорат билан шуғулланишган. Онаси Хожа Довуднинг қизи бўлган. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тоҳурнинг ўғлидир. Шайх Хованди Тоҳурнинг отаси Умар Боғистоний бўлиб, у Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган шайхлардан биридир.

Хожа Аҳрор бошланғич маълумотни Тошкент мадрасаларида олади. 12 ёшида тоғаси Хожа Иброҳим уни Самарқандга олиб боради. Йирик шарҳшунос олим, тарих фанлари доктори Асомиддин Уринбоевнинг қайд этишича, бу ерда у турли фанлардан таълим олади. Хожа Аҳрор кўпича тасавуф илмига қизиқар эди. Шу мақсадда 24 ёшида Хиротга бориб, тасавуф тариқати вакиллари билан учрашадди. 1431-1432 йиллар орасида Хожа Аҳрор Тошкентга қайтиб, нақшбандия тариқатининг давомчиси сифатида танилиб, айни пайтда деҳқончилик ва тижорат ишлари билан машғул бўлади.

Маълумки, мўғулларнинг қарийб икки асрлик истибдоди даврида таназзулга юз тутган илм-фан ва маданиятнинг Амир Темурнинг буюқ ислохотчилик сийсати туйғайли ўзининг қўна шухратини яна тиклади. Бироқ, Соҳибқирон вафотидан сўнг темиршодлар ўртасида сийсий низолар, тожу тахт учун курашлар авж ола бошладди. Шундай бир пайтда элу юрт тақдирини, халқ

Манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хожа Аҳрор майдонга чиқди.

Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги даврида Хожа Убайдуллоҳнинг мавқеи ошадди. Чунончи, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар, қишлоқларида Хожа Убайдуллоҳга қарашли мол-мулк, ер ва қатта бойликлар вужудга келди. Абу Саъид Мирзонинг фармони билан Хожа Убайдуллоҳга қарашли ер ва мулкдан ушр

Академик Азизхон Қасимовнинг таъкидлашича, Алишер Навоий ўзининг «Ҳайрат ул-аброр» асарининг муқаддимасида машҳур муриш Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бир боб бағишлаган. Унда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг «Ул ҳазратқа халфи мутлақ, балки халиф барҳақ» эканини ёзди. Яъни, Хожа Убайдуллоҳ ҳазрат ишининг давомчиси, унинг барҳаёт ўринбосари эканлигини таъкидлаганди. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг обрў ва эътибори нафақат бутун Мовароуннаҳрда, балки қўшни мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур эди. Бу ҳақда Навоий шундай деб ёзди:

Юз қуёбон қуллуғига шоҳлар,  
Базида беҳуд бўлиб огоҳлар.  
Хизматида ҳар кини огоҳ ўлуб,  
Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб...  
Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,  
Балки жаҳон мулки

нигабхону ул.  
Маъноси: Унинг олдига шоҳлар қул сингари турар эдилар, унинг суҳбатига эришганлар ўзларини йўқотар даражага етар эдилар. Кимки, унинг хизматига етишгудек бўлса, агар у гадо бўлса ҳам шоҳлик даражасига кўтарилгандай бўлар эди. У жаҳон мулкидаги барча экинзорларнинг этаси бўлиш деҳқон, балки бутун жаҳон мулкнинг тинчлик ва барқарорлигини асровчи эди.

Хожа Аҳрор қаламига мансуб уч рисола бизгача етиб келган. Улардан бири «Фарҳат ул-орифин» («Орифлар сўзларидан парчалар») номи билан машҳур бўлиб, унда Хожа Аҳрорнинг ва баъзи бошқа тасавуф намояндаларининг тариқатига оид фикрларидан намуналар келтирилган. Иккинчи рисола — «Волида» («Отага бағишлов») деб аталган бўлиб, унда тариқат йўлига кирган кишининг одоб-ахлоқи, фақр ва фанго тўшунчалари ҳақида сўз боради. Ушбу рисолаи Заҳриддин Муҳаммад Бобур форс тилидан ўзбек тилига шерий таржима қилган. Учинчи рисола — «Хавроия» деб аталиб, машҳур мутасав-

виф шоир Абу Саъид Абдулхайрининг «Хавро» («Хурлуб» ёки «Фаришталар») сўзи билан бошланувчи бир рубойсини шарҳлашга бағишланган.

Шунингдек, Хожа Аҳрорнинг ўз замондошларига ёзган бир неча руқъа — номлар ҳам бизгача етиб келган. Улардан энг муҳими, «Мажмуа муросалот» деб номланган. Тўплам Алишер Навоий буйруғи билан тузилган ва шунинг учун «Навоий тўплами» ҳам деб аталади. Шу ўринда айтиш керакки, тарих фанлари доктори А. Уринбоев америкалик олима, Нью-Жерси университетининг профессори Жо Энн Гросс билан ҳамкорликда бу номларни инглиз тилига ўгириб, «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг хатлари ва унинг муриллари» номи китоби 2002 йилда Голландиянинг дунёга машҳур «Брилл» нашриётида чоп этилди.

Хожа Аҳрор ҳазратлари нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, айни пайтда, ушбу тариқатнинг «Дил ба ёру, даст ба қор» («Қалбнинг Аллоҳга, қўлини меҳнатда бўлсин») деган пурҳикмат ширини амалда юксак мақомга етказган шахс сифатида бутун ислом оламида шўҳрат қозонган. Ўз даврида ақли тариқат пешвоси, яхшиларнинг қутби ва авлиёси, халқнинг раҳнамо си ва ғамхўрига айланган бу бетакор шахс ҳақида бир неча намуналарда қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Фахриддин Али Ибн Хўсайн Али Воиз ал-Қошифий ас-Сафий (1463-1503) «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасида томчилар») асарига хабар беришча, Хожа Аҳрорнинг катта бобоси Хожа Шаҳобиддин Шоший деҳқончилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Ўлими яқин эканлигини ҳис қилган Хожа Шаҳобиддин ўзининг барча қавм-қариндошларини рози-риозлик сўраш учун чақиртиради. У пайтда Хожа Аҳрор жуда кичик бўлиб, уни хирқа (дарвешлар кийими)га ўраб олиб келишди. Хожа Шаҳобиддин гўдак Убайдуллоҳга назари тушиб,

Манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хожа Аҳрор майдонга чиқди.

Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги даврида Хожа Убайдуллоҳнинг мавқеи ошадди. Чунончи, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар, қишлоқларида Хожа Убайдуллоҳга қарашли мол-мулк, ер ва қатта бойликлар вужудга келди. Абу Саъид Мирзонинг фармони билан Хожа Убайдуллоҳга қарашли ер ва мулкдан ушр

Хожа Аҳрор ҳижрий 806 йил рамозин ойида (1404 милодий йил, март) Шош-Тошкент вилояти музофотларидан бири Боғистонда дунёга келган. Унинг отаси Хожа Маҳмуд ва боболари маърифатли кишилар бўлиб, деҳқончилик ва тижорат билан шуғулланишган. Онаси Хожа Довуднинг қизи бўлган. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тоҳурнинг ўғлидир. Шайх Хованди Тоҳурнинг отаси Умар Боғистоний бўлиб, у Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган шайхлардан биридир.

Хожа Аҳрор бошланғич маълумотни Тошкент мадрасаларида олади. 12 ёшида тоғаси Хожа Иброҳим уни Самарқандга олиб боради. Йирик шарҳшунос олим, тарих фанлари доктори Асомиддин Уринбоевнинг қайд этишича, бу ерда у турли фанлардан таълим олади. Хожа Аҳрор кўпича тасавуф илмига қизиқар эди. Шу мақсадда 24 ёшида Хиротга бориб, тасавуф тариқати вакиллари билан учрашадди. 1431-1432 йиллар орасида Хожа Аҳрор Тошкентга қайтиб, нақшбандия тариқатининг давомчиси сифатида танилиб, айни пайтда деҳқончилик ва тижорат ишлари билан машғул бўлади.

Хожа Аҳрор ҳазратлари нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, айни пайтда, ушбу тариқатнинг «Дил ба ёру, даст ба қор» («Қалбнинг Аллоҳга, қўлини меҳнатда бўлсин») деган пурҳикмат ширини амалда юксак мақомга етказган шахс сифатида бутун ислом оламида шўҳрат қозонган. Ўз даврида ақли тариқат пешвоси, яхшиларнинг қутби ва авлиёси, халқнинг раҳнамо си ва ғамхўрига айланган бу бетакор шахс ҳақида бир неча намуналарда қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Фахриддин Али Ибн Хўсайн Али Воиз ал-Қошифий ас-Сафий (1463-1503) «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасида томчилар») асарига хабар беришча, Хожа Аҳрорнинг катта бобоси Хожа Шаҳобиддин Шоший деҳқончилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Ўлими яқин эканлигини ҳис қилган Хожа Шаҳобиддин ўзининг барча қавм-қариндошларини рози-риозлик сўраш учун чақиртиради. У пайтда Хожа Аҳрор жуда кичик бўлиб, уни хирқа (дарвешлар кийими)га ўраб олиб келишди. Хожа Шаҳобиддин гўдак Убайдуллоҳга назари тушиб,

Манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хожа Аҳрор майдонга чиқди.

Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги даврида Хожа Убайдуллоҳнинг мавқеи ошадди. Чунончи, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар, қишлоқларида Хожа Убайдуллоҳга қарашли мол-мулк, ер ва қатта бойликлар вужудга келди. Абу Саъид Мирзонинг фармони билан Хожа Убайдуллоҳга қарашли ер ва мулкдан ушр

Хожа Аҳрор ҳазратлари нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, айни пайтда, ушбу тариқатнинг «Дил ба ёру, даст ба қор» («Қалбнинг Аллоҳга, қўлини меҳнатда бўлсин») деган пурҳикмат ширини амалда юксак мақомга етказган шахс сифатида бутун ислом оламида шўҳрат қозонган. Ўз даврида ақли тариқат пешвоси, яхшиларнинг қутби ва авлиёси, халқнинг раҳнамо си ва ғамхўрига айланган бу бетакор шахс ҳақида бир неча намуналарда қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Фахриддин Али Ибн Хўсайн Али Воиз ал-Қошифий ас-Сафий (1463-1503) «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасида томчилар») асарига хабар беришча, Хожа Аҳрорнинг катта бобоси Хожа Шаҳобиддин Шоший деҳқончилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Ўлими яқин эканлигини ҳис қилган Хожа Шаҳобиддин ўзининг барча қавм-қариндошларини рози-риозлик сўраш учун чақиртиради. У пайтда Хожа Аҳрор жуда кичик бўлиб, уни хирқа (дарвешлар кийими)га ўраб олиб келишди. Хожа Шаҳобиддин гўдак Убайдуллоҳга назари тушиб,

Манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хожа Аҳрор майдонга чиқди.

Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги даврида Хожа Убайдуллоҳнинг мавқеи ошадди. Чунончи, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар, қишлоқларида Хожа Убайдуллоҳга қарашли мол-мулк, ер ва қатта бойликлар вужудга келди. Абу Саъид Мирзонинг фармони билан Хожа Убайдуллоҳга қарашли ер ва мулкдан ушр

Хожа Аҳрор ҳазратлари нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, айни пайтда, ушбу тариқатнинг «Дил ба ёру, даст ба қор» («Қалбнинг Аллоҳга, қўлини меҳнатда бўлсин») деган пурҳикмат ширини амалда юксак мақомга етказган шахс сифатида бутун ислом оламида шўҳрат қозонган. Ўз даврида ақли тариқат пешвоси, яхшиларнинг қутби ва авлиёси, халқнинг раҳнамо си ва ғамхўрига айланган бу бетакор шахс ҳақида бир неча намуналарда қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Фахриддин Али Ибн Хўсайн Али Воиз ал-Қошифий ас-Сафий (1463-1503) «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасида томчилар») асарига хабар беришча, Хожа Аҳрорнинг катта бобоси Хожа Шаҳобиддин Шоший деҳқончилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Ўлими яқин эканлигини ҳис қилган Хожа Шаҳобиддин ўзининг барча қавм-қариндошларини рози-риозлик сўраш учун чақиртиради. У пайтда Хожа Аҳрор жуда кичик бўлиб, уни хирқа (дарвешлар кийими)га ўраб олиб келишди. Хожа Шаҳобиддин гўдак Убайдуллоҳга назари тушиб,

Манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хожа Аҳрор майдонга чиқди.

Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги даврида Хожа Убайдуллоҳнинг мавқеи ошадди. Чунончи, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар, қишлоқларида Хожа Убайдуллоҳга қарашли мол-мулк, ер ва қатта бойликлар вужудга келди. Абу Саъид Мирзонинг фармони билан Хожа Убайдуллоҳга қарашли ер ва мулкдан ушр

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ**  
**ДОМО БУЛАВ...**

● Халол яшаганингни билиб турсанг, ҳаёт наъшали ва осон туюлади.

● Бир умр бахтли бўлишни истасанг халол одам бўл.

ХИКОЯТ. Бир кекса доно оқил киши кўй харид қилиш учун мол бозорига борибди. Ҳаммаёқ тумонот, қадам бо-сишга жой йўқ. Хар ерда дал-лоларнинг «бор барака» қилаётган бақирик-чақирикла-ри. Отахон бозор шов-шувидан боши айланиб бир четда турса ёшгина йигит бир қўйнинг бошвоғидан тутиб турганмиш. Унга аста яқинла-шиб сўрабди:

— Кўйингни сотасанми, ўғлим?

— Сотаман, отахон.

— Савдосини келишсак, мен олиб кетай шу қўйни.

— Қани, мўлжалингизни айтиб кўрингчи, — дебди йи-гит жилмай.

Қария оғиз очишга улгур-май ён-атрофдаги даллолар савдонни пишитишга киришиб кетишди.

— Вази 35 ни босади, ча-мамда, — дебди улардан бири. Бошқаси 40 килограмми-ни тахминлабди. Хуллас, улар ҳар иккала оғирлик ўртасидан келиб чиқиб, қўйни баҳолаш-кан экан, сотувчи:

— Йўқ, сизлар англишдин-гиз, қўймининг вази роса 31 килограмми босади, — деб-ди.

Ўзининг зиёнига юраётган лақма сотувчини кўрган дал-лолар:

— Хов бола, адашма ҳар кун бозорда юрган биз би-лаимизми, ёки бу ерга озиб-ёзиб бир келадиган сен би-ласанми, — дейишса, йигит:

— Анигини мен биламан. Сабаби бозорга келишдан олдин қўйимни катта тарозга чиқариб тортиб кўрганман, — дебди.

Ландовур сотувчидан бир иш чиқмаслигини билган дал-лолар кўл силтаб нари кети-шибди. Лекин бу йигитнинг бу гапи кўпни кўрган кекса хари-донни ўйлантириб қўйибди. Шунда у йигитга қараб:

— Тирик вазнда қўйни тор-тиб сотишингни боиси нима, ўғлим? Агар кўзбўямачи ёки хасис бўлганинда даллолар-ларнинг гапига қириб, қўйин-гни вазини ошириб сотиб юборган бўлардинг. Бу ўзин-гга фойда эди. Лекин сен ун-дай қилмай халоллик йўлини тутдинг, — деган экан, йигит жиддий:

— Ҳаётда ҳеч бир нарса изсиз қолмайди. Қачондир бир кун унинг жавоби бўла-ди. Шунинг учун бировнинг хақи менга ўтиб охир-оқибат жавобгар бўлмай, менинг ҳақим ўзгаларга ўтиб, уни бе-худа жавобгар қилмай деган мақсадда савдо-сотикдан ол-дин ҳамма нарсани тарозда тортиб, кейин сотаман.

Отахон йигитнинг бу гапи-га тан бериб, унга тасанно айтибди. Кейин эса ҳеч бир даллолсиз бу халол, покиза йигитнинг оғиздан чиққан нарҳига қўйни сотиб олибди.

Албатта, бу қиссадан керак-ли хисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

**Байт:**  
**Дунёда қолдим,**  
**кўрмаган нарсам,**  
**Кўрдим деб гердайма,**  
**не кўргангил — кам.**  
**Бир одам қалбини**  
**оловлай олдингми?**  
**Инсоннинг қалбидан**  
**борми кен олам.**

*Назми қилшани*

**ҚАНОТ ЁЗСИН**  
**МЕҲР-МУРУВВАТ**

Яна новий ранг само, қаранг...

Бу — диёрда тинчликдан дарак,

Яна гўзал кўй тортар жаранг,

Отилма ҳеч ўқ-ла замбарак.

Булутларни келтирма шамол,

Осмонимиз тўсма кўланка.

Кўш берсин доим хур жамол,

Нурга тўлиб ҳамон бу ўлка.

Бахтга чўмсин бунда одамлар,

Қанот ёзсин меҳру мурувват.

Остонага кўнмасин ғамлар,

Бу юрт асло кўрмасин гурбат.

Гулгун яшнаб, барқ уриб ҳаёт,

Элнинг бўлсин ҳар кун Наврўз.

Мазкур лойиҳа вакиллари Тошкентдаги «Гранд Орзу» меҳмонхонасида бизнес со-ҳасида адвокатия масалала-рига бағишланган давра суҳбати уюштирди.

Унда Ўзбекистон Давлат мулкани бошқариш ва тал-биркорликни қўллаб-қувват-лаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хо-тин-қизлар қўмитасидан ва-киллар иштирок этди.

Лойиҳа раҳбари Адриан Стрейн бизнес адвокатияси

Боқсин севинч, завқ қоқсин қанот,  
Асло тегмай — бизга ёғий кўз.

Тинчликни мадҳ этиб инсонлар  
Ҳамжихатлик йўлларин сайланг.  
Зарур бўлса бахш этиб жонлар,  
Истиқоллни асраб, авайланг.

Ахир, удир бизга илк инъом,  
Мустақиллик берган зўр неъмат.  
Қадрин билмак муқаддас бурч, ном.  
Ҳужум қилса унга ким, лаънат.

Кимга керак тажовуз уруш?!  
Тўқилмасин энди ерга қон.  
Одамга хос тинч-тотув турмуш,  
Етар берган минг-минглаб қурбон...

**Бахриддин НАСРИДДИНОВ,**  
**Ўзбекистонда хизмат**  
**кўрсатган маданият ходими.**



Ҳаётинг ҳам шундай қувноқ ўтсин

**ҲАМКОРЛИКНИНГ**  
**ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ**

Ўзбекистон билан Европа ҳамжамияти ўртасида алоқалар ривожланиб бормоқда. Ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикаси билан Европа Итти-фокки ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик битимини ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси фаолият юритмоқда.

соҳасида амалга оширилаё-тган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Жумладан, мазкур лойиҳанинг биринчи бос-қичида бизнес соҳасида ма-

лакали тренерлар тайёр-ланди. Танлаб олинган қирқ беш нафар тренер икки ҳафта давомида маҳаллий ва европалик мутахассис-

лар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган махсус дастур бўйича ўқитилди. Энди улар уч ой давомида жойларда бизнес тузилмалари раҳбар-лари ва вакиллари билан биз-несс адвокатияси бўйича би-лимни оширишга ёрдам беради. Лойиҳа Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассо-циацияси ҳамда Бозор кўникмаларини ривожлан-тириш маркази ҳамкорли-гида амалга оширилмоқда.

ЎЗА

*Ўзбекистон ва жаҳон*

Токиода болаларнинг атроф-муҳит мавзуидаги расмлари V ҳа-лқаро танлови якунланди. Унда ҳақамлар ҳўкмига жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатидан юборилган қарийб 13 мингта асар ҳавола этилди.

**ЁШЛАРИМИЗ ЯНА**  
**ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ**

Таъкиллаш лозимки, ўзбекис-тонлик ёш рассомлар 2003 йил танловида юқори натижаларга эришган эдилар. Бу гал ҳам ва-килларимиз ўзларининг юксак иستهъодларини муносиб тарзда намойиш этдилар.

12 ёшли Шаҳриёр Абдуллаев «Сумалак» деб номланган асари билан биринчи мукофотни қўлга киритди. Ёш мўйқалам устаси 14 ёшли Хуршид Иброҳимовнинг «Улоқ» номли иши эса махсус мукофотга лойиқ деб топилди. Яна бир юртдошимиз 13 ёшли Лена Иванова «Табиат ва оила» расми учун Фахрий ёрлиқ эгаси бўлди.

— Мен ҳар бир расмда мамла-

катингизнинг гўзал табиати ва ранг-баранглигини кўрдим, — дейди ҳақамлар ҳайъати раиси, Токио миллий нафис санъат ва мусиқа университети профессо-ри, таниқли рассом К.Китани. — Аҳамияти томони шундаки, биз дунё болалари, айниқса, ўзбеки-стонлик ўқувчилар чизган расмларда табиат ва инсон ҳаёти-нинг уйғунлиги аққол акс этти-рилганига гувоҳ бўлдик.

Токио шаҳри марказида жой-лашган Кейланран биносига тан-лов голибларининг ижодий иш-ларидан тузилган махсус кўргаз-ма санъат илхосмандлари учун намойиш этилди.

**ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН**  
**ПАРЛАМЕНТИГА**  
**САЙЛОВЛАР ХУСУСИДА**

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси-да республикамиз парламентида ўтказиладиган сай-ловларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Лон-донда таҳсил олаётган талабалар ва Бирлашган Қиролликда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқ-ролари иштирок этишди.

Анжуман иштирокчиларига мамлакатимиз ҳаёти-даги демократик ўзгаришларнинг сиёсий аҳамияти, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кен-гашларига сайловларга тайёргарлик жараёни ҳақида ахборот берилди. Улар Қонунчилик палатаси ва Се-натга сайловлар ўтказиш тартиби, Ўзбекистон сай-лов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги янги қонун билан таништирилдилар ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Бундан та-шқари иштирокчиларга элчихонада чоп этилган «Ўзбекистонда парламент сайловларига тайёргар-лик» деб номланган рисола тақдим этилди.

КОСПАР - космик талқиқотлар бўйича халқаро қўмитанинг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида коинотни ўрганишининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

**ИККИ МИЛЛАРДА**  
**ЙИЛ ТАХМИНАРИ**

Бу йилги ассамблея илмий шов-шув-га бой бўлди. Нобель мукофотининг икки нафар совриндори - нидерланди-ялик Пол Крутцен ва америкалик Ри-кардо Жоканининг йилги иштироки сессия ишининг нуфузини яна-да оширди.

Мажлисда кўриниши ойга ўхшаб кетадиган Меркурий сайёраси ҳақида қизгин баҳс юритилди. Олимлар учун сирли бўлиб қолаётган мазкур сайё-ранинг орт томонини шу пайтгача су-ратга олишга эришилганича йўқ. Мер-курий Ер гуруҳидаги Кўёшга яқин

бўлган энг кичик сайёра ҳисоблана-ди. Шунинг учун ҳам Кўёш уни Ерга нисбатан етти баробар кўпроқ исита-ди ва сайёранинг Кўёш нурлари ту-шадиган ҳудудларида доимо жазирама муҳит ҳукмрон.

Йилги сессияда энг қизиқарли янгилликлардан бирини англиялик ас-троном Крис Клейтон иштирокчилар-га ҳавола қилди. У суперкомпьютер ёрдамида Кўёш тизимидаги сайёралар-нинг сўнгги икки минг йил давомида-ги ҳаракат йўналишини ҳисоблаб чи-қишга муваффақ бўлди. Клейтон эра-

мизнинг иккинчи йили ёзида Юпитер ва Венера сайёралари бир-бирига жуда ҳам яқинлашиб, самода яхлит бир ёрқин юлдуз сифатида намоён бўлган-ини аниқлади. Уни қадимда «Виф-леем юлдузи» деб аташган. Бундай ас-трономик ҳодиса жуда кам учрайди, бироқ олимларнинг тахминига кўра, 2005 йилда инсоният бу ажойиб воқе-анинг яна бир марта гувоҳи бўлиши мумкин экан.

Маърузачилар, шунингдек, даҳшат-ли Немезида кометаси мавжудми, Кўёш тизимида сирли Файтун бўлган-ми, деган саволларга жавоб излаш бил-лан бирга коинотни яқин икки мил-лиард йил давомидаги ривожига оид илмий тахминларни муҳокама учун ўртага ташладилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мате-риаллари асосида тайёрланди

**Широбахш  
қисмиқлар  
НҲХАТ**

Ўзига ўхшаганлар ичи-  
да ўпкани бундан озик-  
лантирадиганроғи йўк.  
Нўхатни ейиш ва ундан  
малҳам қилиб суртлиш  
нуқтали қонталашларни  
кетказди ва рангини ях-  
шилади.

Нўхат ёғи темираккига  
фойда қилади, нўхатнинг  
уни эса ёмон хил яраларга,  
қичмага ишлатилади. Бош-  
даги рутубатли тошмаларга  
фойда қилади. Нўхат иви-  
тилган сув эса тиш оғриғига  
ва милқдаги иссиқ ва қаттиқ  
шишларга фойда қилади.  
Кулоқлар остидаги шишлар-  
га ҳам фойда қилади. То-  
вушни тиник қилади ва ўпкани  
ҳар нарсадан ортиқ озик-  
лантиради. Шунинг учун  
бундан, яъни нўхат унидан  
ҳовлайтар қилинади. Нўхат  
қайнатилган сув сариқ каса-  
лига фойда қилади, нўхат  
айниқса, унинг қора ёввойи  
ясиқсимон хили талоқ ва  
жигар тўқималарини очади,  
нўхатни таомнинг аввалида  
ва охирида эмас, ўртасида  
ейиш керак. Қора нўхатнинг  
қайнатмаси бодом ёғи, ту-  
рип ёғи ва петрушка ёғи  
билан ишлатилса, қовуқ ва  
буйрақдаги тошларни май-  
далайди. Нўхат қовуқ яра-  
ларига зарарлидир. Нўхатнинг  
ҳамма хили ичми юмшатади.  
Буқротнинг айтишича,  
нўхатда икки модда бордир.  
Булар қайнатиш билан ун-  
дан ажратилади. Бу модда-  
ларнинг бири тузли модда  
бўлиб, ичми юмшатади. Ик-  
кинчиси ширин модда  
бўлиб, сийдикни ҳайдайди.

**ТАРИҚ**

Қувватда гуручга  
ўхшайди, лекин гуруч  
озиклироқдир. (Сўкни)  
сут ёки яхши тортилган  
ун кепагининг сувида пи-  
ширилади, шунда у жуда  
яхши озик бўлади.

Буни қиздириб, оғриган  
жойларга боғланади. Нон  
қилинадиган бошқа донлар-  
дан озиклиги оз ва ёпишқ-  
оқдир. Лекин сут ёки майда  
тортилган ун кепаги билан  
қайнатилса, озиклиги яхши  
бўлади, айниқса сариёғ ва  
бодом ёғи билан қайнатил-  
са, озиклиги яна яхши бўла-  
ди. Ўзи ҳам, нони ҳам меъ-  
дада узоқ туради. Ичак  
оғрикларига қарши қизди-  
риб қўйилади. Сийдикни  
ҳайдайди.

**КАРАМ**

Карамнинг шираси ё  
қайнатмасини кунжут ёғи  
билан қўшиб, томоқни  
чайқаса, томоқ оғриқла-  
рига фойда қилади. Уни  
ейилса овоз тозаланади.  
(Карамни чайнаб сувини  
сўрилса, бўғилган овозни  
очади).

Сариқ йўнғичка уни ва  
кунжут билан аралаштириб  
тайёрланган қуюқ суртмаси  
подаграга ва бўғинлар оғри-  
ғига фойда қилади. Қайнат-  
маси ва уруги бошининг қас-  
моғига фойда қилади, карам  
ширасини бурунга юборил-  
са, мияни тозалайди. Агар  
баргини хомлиғича сирка  
билан қўшиб ейилса, талоқ  
касалига учраганларга фой-  
да қилади.



Ёз — қўтмоқда соғ

**«КАМОЛОТ» ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА**

Ёзнинг жазирама кунларида мактаб ўқувчилари, ёшлар ёзги оромгоҳларга, дала-ҳовлиларга дам олишга чиқиб кетадилар. Лекин бундайлар умумий ўқувчи ёшлардан 25-30 фоизинигина ташкил қилади. Ҳўш, қолганларчи?

Айнан ёз мавсумида туман маҳаллаларидаги болаларнинг бўш вақтларини мазмуни ташкил қилиш, уларни соғлом турмуш тарзи бўйича тарбиялаш, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ана шу лойиҳа доирасида Чилонзор тумани маҳаллаларида ижодкор талабалар гуруҳлари ўз ишларини қизгин давом эттирмоқдалар.

Хусусан, куни кеча «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши, «Маҳалла» жағфармасининг туман бўлими, Ўзбекистон

Давлат консерваторияси ва Тошкент Давлат санъат институти ўзаро ҳамкорлигида тумандаги «Чўпон-ота», «Бўстон», «Дўмбираобод» маҳаллаларининг болажонлари ва маҳалла аҳли учун «Санъатга ошно қалб» тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида иқтидорли ёш хонанда ва созандалар



Ўз санъатлари билан йиғилганлар кўнги-ларини хушнуд этиштиди, айниқса болажонлар мириқиб шўх рақсларга тушиб маданий хордиқ чиқардилар.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА: «Санъатга ошно қалб» тадбирдан лавҳасов.**

Козимжон Ўлмасов олган суратлар.



**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**Давлат мулки кўмитаси  
Тошкент шаҳар  
бошқармаси ҳузуридаги**

**«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

2004 йилнинг 27 июль куни ўтказилган аукцион савдоларида Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган «Parkent itisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида 5 та (1 та - 36 кв.м. бўлган қурилиш моллари ва 4 та - 9 кв.м. бўлган лок-бўёқ маҳсулотлари савдоси учун мўлжалланган) турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқлари харидорлар томонидан қуйида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли қайтадан савдоларга қўйилиб сотилди.

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2004 йилнинг 5, 10, 12, 17, 19 август кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга, аввал ўтказилган аукцион савдоларида сотилган, лекин голиблар томонидан белгиланган мажбуриятлар мuddатига бажарилмаган лок-бўёқ маҳсулотлари сотиш учун мўлжалланган майдони 9 кв.м. бўлган турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқи 2 000 000 сўм бошланғич нарх билан, майдони 36 кв.м. бўлган қурилиш моллари турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқи 3 500 000 сўм бошланғич нарх билан қайтадан қўйилади.

Турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқини қўлга киритган савдо голибларига

Қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

- аукцион савдолари ўтказилган куни савдо натижаси тўғрисидаги якуний баённомани ва савдо кунидан 10 (ўн) кун мuddат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш;
- савдо объекти қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;
- бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш.

Савдоларда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар катнашишлари мумкин. Талабдорлар «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзўй-жойжамгармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 5 фоизи микдорда закат пули тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун илгари соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварунахр кўчаси, 16 «а»-уй манзилида жойлашган Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ўтказилади. Соат 11-00 да бошланади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварунахр кўчаси, 16 «а»-уй, 204-хона.**

**Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**“ИШЛАБ ТОП!”**

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз навбдор, иқтисодчи, савдатга тўло билармиз. Бизга фойда Словин тажриба ва кўмагини сўрашмишди. Ҳайрат ва тажрибани бириктириш вақти келди. Чунки бу — мутафаккирга олиб борувчи энг қизик йўл.



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» и тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий оқидеясинида фойдаланишнинг эҳтиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдирим атқилишига тақабил қилади.

Кўшимча маълумотларни  
**137-72-20, 137-72-21**

Телефон рақамлари орқали олоқа марказидан олишнингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан ақция ҳақидаги ахборотга эга бўлганингиз мумкин:

[www.tashkentkamolot.uz](http://www.tashkentkamolot.uz)  
[www.2oxygen.com](http://www.2oxygen.com)  
[www.kvn.uz](http://www.kvn.uz)

Ақцияда катнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

**ҲУҚМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!**

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкингизни жинорий таъжовузлардан ким ҳимоя қилади?

Бундай хизматни шаҳримиздаги Марказлаштирилган қўриқлаш пульслари бажаради. Ушбу пульслар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан энг арзон қўриқчидир!

Хонадонингиз ва мулкингиз дахлсизлигини истайсизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлиmlарига мурожаат қилинг!

**Мурожаат учун телефонлар:  
133-37-83, 134-01-69, 133-01-44.**

**Спорт**

**ТАЭКВОНДО  
УСТАЛАРИМИЗ  
МУВАФФАҚИЯТИ**

Мамлакатимиз таэквондочилари Малайзияда таэквондонинг ITF йўналиши бўйича ўтказилган XII жаҳон чемпионатидан катта зафар кучган ҳолда қайтиб келдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, фахрийлар ва ёшлар ўртасида ташкил этилган чемпионатда курраи заманининг қирқ уч мамлакатидан келган спортчилар галаба учун кураш олиб борди.

Чемпионатда ҳамюртимиз Фахриддин Умаров олтин нишонга сазовор бўлган бўлса, бошқа таэквондочиларимиз яна тўққизта кумуш ва олти-та бронза медалларининг соҳиблари бўлишди.

Ушбу улкан муваффақият яккакураш усталаримизнинг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашларига имкон яратди.

**«ОЛТИН  
КАМАР» САРИ**

Маълумки, ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони бўлган ҳамюртимиз Руслан Чагаев профессионал рингда ҳам Артур Григорянга муносиб издош сифатида «олтин камар» сари дадил одимламоқда.

Германияда фаолият юритиб келаётган Р.Чагаев куни кеча Штутгарт шаҳрида ўта оғир вазн тоифасида АҚШ вакили Гэринг Лейн билан ўзаро беллашди.

Шуни таъкидлаш керакки, тажриба бобида рақибидан анчагина устун бўлган америкалик чарм қўлқоп устаси Русланиннинг шиддатли ҳужумларию, кучли ва аниқ зарбаларига узоқ дош бера олмади. Ўзбекистонлик боксчининг тўла устунлигида ўтган беллашув Русланиннинг бешинчи раунддаги галабаси билан яқунланди.

Ўз анъанасига содиқ қолган боксчимиз ўзининг профессионал рингдаги 12 галабасига ҳам рақибини нокаут қилиш орқали эришди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Молия институти томонидан Алимов Хаёт Орзиқулович номига берилган № 012379 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Футболимиз келажаги**

**«ШАРҚ» РЕСПУБЛИКА  
БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ**

Кейинги йилларда миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш борасида кенг жамоатчилик, республикаимиз спорт мутасаддилари арзирли ишларни олиб бормоқдалар. Маҳалла болалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» спорт мусобақалари ҳам фикримиз далилидир.

Куни кеча «ЖАР» спорт-соғломлаштириш комплексида ушбу мусобақанинг 11-12 ёшлар ўртасидаги шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган «Футболимиз келажаги» спорт мусобақаси ёшларимизда «миллионлар ўйини»га қизиқиш уйғотиш, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ.

— Ашш майдонда тўп сураётган ёш футболчиларимиз туман босқичида сараланган, — дейди шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Хайдарали Қораболаев. — Эндиликда улар шаҳар биринчилигини қўлга киритиш учун ўзаро куч синашмоқдалар.



Ғолиблик учун майдонда куч синашаётган Сергели туманининг «Ёшлик» жамоаси ҳамда Чилонзор туманининг «Шарқ» жамоалари аъзолари ишқибозларнинг қўллаб-қувватлашлари остида галабага бўлган интилиш билан чиройли ўйин кўрсатдилар.

— Ҳар галгидек бу йил ҳам анъанавий тадбиримиз юқори кўтаринкилик билан ўтказилмоқда, — дейди шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Баҳодир Қосимов. — Спортчиларимиз пойтахтимизнинг турли туманларидан ташриф буюришган.

Улар орасида келажаги порлоқ, ўзбек футболининг юлдузи бўладиган ёшларимиз ҳам йўқ эмас.

Тадбирнинг асосий ташкилотчиси Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳисобланади. Бун-



дан ташқари футбол учрашувларининг мазмунли ўтишида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими каби қатор ташкилотлар яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Дарвоқе, кизгин кечган баҳсда «Ёшлик» ва «Шарқ» жамоалари бор имкониятларини намоиш этишди ва 3:2 ҳисобида чилонзорлик футболчилар галаба нашидасини суришди. Ғолиб ва қатнашчиларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. «Шарқ» жамоаси Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Омад ёр бўлсин, чилонзорлик ёш футболчилар.

**Хумоюн АЛИЕВ,  
СУРАТЛАРДА: финал учрашувидан  
лавҳалар.**

**Бахтиёр Содиков олган суратлар.**

**Бегойимлар ўқисин**

**«ЧАП» ЧЎНТАК**

Муҳтарам аёл, кунларнинг бирида эрингиз сиздан даромадини яширишини, топганининг бир қисмини «чап» чўнтагида олиб қолишини билиб қолдингиз.

Шошманг, қизишманг, жанжал қилишга ҳали улгурасиз. Ўзингизни қўлга олинг. Ахир сиз солиқ назоратчиси эмассиз-ку, бор-йўғи унинг жуфти ҳалолсиз. Паспортигиздаги муҳр сизга ундан барча даромад-у буромадлари ҳақида тўлиқ ҳисобот талаб қилишга ҳуқуқ бермайди.

**САБР ТАГИ САРИҚ  
ОЛТИН**

Яхшиси, у ана шу пуллари нималарга сарфлаши билан қизиқинг. Ширин табас-сумингиз ва гўзал муомалангиз билан унинг сирларини билиб олишга ҳаракат қилинг.

**БАЛКИ У...**

Агар у пуллари «қора кунга асраб қўйса, бунда сизнинг айбингиз ҳам бор. Балки сиз оила ҳўжалигини юритишни, маблағни тежаб-тергашни эпложмаётгандирсиз? У ойлик бу ойликка етмаётгандир. Шунинг учун эрингиз мажбур бўлгандир. Агар пуллари сизга совға харид қилиш учун сарфласа, қутилмаганда ҳада қилинган совғалар сизга бир олам шодлик улашишини тасаввур қилинг. Агар эрингиз уйда диққинафас бўлиб ўтирганингизда, «уф, энди овқат қилишим керак», деб тажанглашиб турганингизда, театргами ёки бошқа бирор жойга тақлиф қилса... Бунинг нимаси ёмон?

**ДЎСТ ЎРНИНИ  
БОСОЛМАЙСИЗ**

Агар у, пуллари дўсту жўралари билан кўнгил очишга сар-

флаётган бўлса, бу ҳам керак. Чунки, сиз барибир дўстлари ўрнини боса олмайсиз. Яхшиси бўш вақтингизда ўзингиз ҳам кўнглингизга яқин дўгонангиз билан дийдорлашиб туринг.

**ЯХШИ ГАП ЖОН  
ОЗИФИ**

Эрингиз пуллари «хобби»-сига сарфламоқчи бўлса, қанча пул кетишини ҳисоблаш керак. Оила бюджетига зарар етказмайдиган бўлса, ихтиёрига қўйиб беринг. Борди-ю бу сарф-харажатлар оила эҳтиёжига таъсир кўрсатгудай бўлса, йўлини қилиб ётиги билан тушунтиринг. У албатта ўз фикридан қайтади, чунки оила ҳамиша муқаддас.

**ЎЗГА АЁЛ — ЮРАК  
ОЗОРИ**

Турмуш ўртоғингиз пуллари бошқа аёлларга сарфлаётган бўлса, бунинг жиддий сабаби бор. Ёки сиз қайсидир маънода бунга сабабчисиз.

Шундай бўлса сира кўз ёш тўкманг, унга ялинманг. Гурунгигизни топманг. Ўзингизга, соғлигингизга эътиборни қучайтиринг. Ойнага қаранг, юзларингизга, сочларингизга оро беринг, дарду аламингизни ичингизга ютинг. Ҳеч нарса бўлмагандек ишингизни давом эттиринг. Ўзингизни бепарво тутинг, шунда у ўйлаб қолади... балки сиз...

**ЎЙЛАБ КЎРИНГ**

«Пул қўлнинг кири» деган мақолни эсланг. Мол-давлат келади-кетди. Уни деб яхши муносабатларингизни чигаллаштирманг, ахиллигингизга путур етказманг. Яхшиси сиз ҳам эрингиз берган пулнинг бир қисмини кўздан нарига ўз эҳтиёжингиз учун беркитиб қўйганингиз маъқулдир? У ҳам «хотиним бу пулни нимага сарфлаётган экан?» деб ўйлаб қийналсин-да. Сиз бунга нима дейсиз, азиз аёллар.

**Гуллигор САТТОВА**

**ЎХРМАТЛИ БОШ  
ШИФӨКӨРӨМИЗ ВА  
УСТӨЗӨМИЗ  
КАРИМЖОН ОРТИҚОВ!**  
Сизни муборак 70 йиллик таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз.  
Сизга дунёдаги энг эзгу тилакларни билдириб қоламиз.  
**Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси жамоаси.**

**ЎИНДИСТОН ЭАЧИХОНАСИ ВА ЎЗБЕК-  
КИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
ТАҚДИМ ЭТАДИ**  
Ўиндистоннинг 50 та машҳур, замонавий аёл рассомлари «Амрита Шергилнинг қайтиши — аёллар бахтиёрлиги» номли кўргазмани 2004 йил 10-15 август кунлари соат 10 дан 17 га қадар намоиш этади.  
Манзил: Шароф Рашидов кўчаси, 40-уй, Марказий Кўргазмалар зали.  
*Мафҳамат-барға соҳловчилар тақдир қилинади!*

**Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ**  
Манзил: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39  
факс: (3712) 133-29-09.  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.  
2812 нуссада босилди. Қўлти бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-маъба ақсардорлик компанияси босмохонаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.